O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI
HOKIMINING
**Q A R O R I**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

**П О С Т А Н О В Л Е Н И Е**
ХОКИМА
УЗБЕКИСТАНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

20 20 yil "11" Май № 666

Танловда ғолиб чиқган Каримдевона МФЙда яшовчи фуқаро Комилов Жамшидбек Жакбарали ўғлига пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарада фойдаланишга ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган хужжатларни батафсил ўрганиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер Кодекси"нинг 6-13-53-моддаларига хамда Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"нинг 19-50-51-52-моддари ва Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 4-13-31-моддаларига хамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-25-моддаларини қўллаб:

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 10.04.2020 йил кунги 101-сонли хулосаси, Ўтказилган танлов якунларига кўра ер участкаларини бериш (реолизация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 20.04.2020 йил кунги хулосаси, Халқ депутатлари туман кенгашининг 27.04.2020 йил кунги 30/5-6-сонли қарори асос учун қабул қилинсин.

2. Танловда ғолиб чиқган Каримдевона МФЙда яшовчи фуқаро Комилов Жамшидбек Жакбарали ўғлига Ғаниобод ММТП худудидаги туман хокимлиги захира фондига қарашли 506, 507 505, 512, 513, 357, 518, 517, 516, 670, 671, 672, контурлардаги жами: 49.9 га ер майдонлари, шундан 44.0 га экин ери, 0.05 га йўллар, 5.8 га арик зовурлардан иборат ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун 49 (қирқ тўққиз) йилга узоқ муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи С.қурбоновга, туман Статистика бўлими бошлиғи О.Абдуллаевга, туман Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқоровга хамда Давлат хизматлари маркази бошлиғи М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан холда давлат рестирларига амалдаги тартибда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг Қишлоқ ва Сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Д.Кодиров зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Қ.Джураев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI O'ZBEKISTON TUMAN HOKIMLIGI
BAYON QISMI